

---

## “Авлодлар эсталиги” республика ижодиёт танлови

2021 йил 7 май куни тумандаги 21-сонли болалар musiқа мактабида 9-май “Хотира ва қадрлар” куни муносабати билан тумандаги таълим муассасаларидаги ўқувчи ёшлар ўртасида “Авлодлар эсталиги” Республика ижодиёт танлови ўтказилди. Танлов 2 ёш тоифасида 15-19 ёш ва 20-30 ёш тоифасида Бадиий тасвирий санъат, фотосурат, расм, назм йўналишлари бўйича ёшлар ўзларининг ижодий ишлари билан қатнашдилар. Ўтказилган танловда Туман ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий –маърифий ишлар бўйича ўринбосари З. Умаров иштирок этиб танловда фаол қатнашган ёшларга диплом ва китоблар тўплами билан тақдирлади.

2021-05-07 20:54:17